

## ЮҚОРИ СИНФ ЎҚУВЧИЛАРИНИНГ АХЛОҚИЙ СИФАТЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Якубова Динора Баходировна

Урганч давлат университети мустақил тадқиқотчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7357420>

**Аннотация.** Ушбу мақоламизда умумтаълим мактаблари ўсмир ёшлари ривожланишидаги балогат даврига ўтиш давридаги муоммолар таҳлил қилинган, ҳамда юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий сифатларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, шахснинг шаклланишига таъсир қилувчи маънавий муҳит ўрганилган.

**Калим сўзлар:** замонавий таълим, ахлоқий сифатлар, таҳликали давр, ўсмирлик даври, маънавий муҳит, салбий тақлид, «ҳиссий реакция», ижтимоий қобилият, ахлоқийонг.

## ОСОБЕННОСТИ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ НРАВСТВЕННЫХ КАЧЕСТВ СТАРШЕКЛАССНИКОВ

**Аннотация.** В данной статье анализируются проблемы перехода во взрослую жизнь в развитии подростков в общеобразовательной школе, а также выделяются особенности совершенствования нравственных качеств старшеклассников, духовная среда, влияющая на формирование личности. учился.

**Ключевые слова:** современное образование, нравственные качества, критический период, подростковый возраст, духовная среда, негативное подражание, «эмоциональная реакция», социальные навыки, нравственное сознание.

## SPECIFIC CHARACTERISTICS OF IMPROVING THE MORAL QUALITIES OF HIGH SCHOOL STUDENTS

**Abstract.** In this article, the problems of the transition to adulthood in the development of teenagers in secondary schools are analyzed, and the specific features of improving the moral qualities of high school students, and the spiritual environment that affects the formation of the personality are studied.

**Keywords:** modern education, moral qualities, critical period, adolescence, spiritual environment, negative imitation, "emotional reaction", social skills, moral consciousness.

Ҳозирги замонавий таълимнинг асосий мақсади шахс, жамият ва давлатнинг ҳозирги ва келажакдаги эҳтиёжларини қондириш, ўз мамлакати фуқаросининг кўп қиррали, ижтимоий қобилиятга эга шахсини тарбиялаш ҳисобланади. Мактаб ўқувчиларининг ахлоқий сифатларини шакллантириш, ахлоқий онгини тарбиялаш муаммосининг долзарблиги бир қатор омиллар билан белгиланади: биринчидан, мамлакатимизда бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида ўз-ўзини мақсадли шакллантириш объектив эҳтиёж бўлса, иккинчидан, глобаллашув даври ёш авлоднинг ахлоқий фазилатларини шакллантириш билан бирга, ёшларимиздаги салбий кўринишларини ҳам бартараф этиш вазифасини қўяди. Сўнгги йилларда мамлакатимизда ёшлар тарбияси масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиши принципиал ёндашувларни такомиллаштириш, стратегик мақсад ва вазифаларнинг концептуал асосларини ишлаб чиқиш заруратини юзага келтирди. Мамлакат ёшларини маънан ва жисмонан баркамол қилиб тарбиялаш, иқтидори ва салоҳиятини рўёбга чиқариш, уларни давлат ва жамиятнинг ривожига кенг жалб этиш, ташаббусларини етарли даражада қўллаб-

кувватлаш мақсадида ҳуқуқий асослар, иқтисодий имкониятлар ва ташкилий механизмларни янада кенгайтиришга эътибор қаратилмоқда.

Мактаб таълим тизимининг асосий тури сифатида ўқувчиларга фан ва маданиятнинг илғор ютуқларига асосланган, замон ва амалиётда синовдан ўтган ҳар томонлама, яхлит билимларни етказишлари, ахлоқий сифатларини такомиллаштиришнинг янги ёндашувлари, услубий ечимларини амалиётга татбиқ этишлари лозим. Глобаллашув шароитида ахлоқ масаласи ҳар доимгидан ҳам глобал муоммо сифатида майдонга чиқаётган техноген цивилизация даврида ўсиб келаётган ёш авлоднинг ахлоқий сифатларини такомиллаштириш масаласи долзарб муоммолардан бири ҳисобланади.

## АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТАДОЛОГИЯСИ

Илмий-усубий адабиётлар, илмий-тадқиқот ишларини таҳлил қилишимиз жараёнида маҳаллий олимларимиздан О.Мусулмонова юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини ривожлантириш педагогик шарт-шароитлари, **Ф.Ш.Караев** жисмоний тарбия фани ўқитувчиларининг ўқувчи ахлоқий сифатларини шакллантиришдаги ўрни; **К.Ҳошимов, Ў.Асқарова, Б.Зиёмухаммедова, Ш.Абдуллаева, Ж. Йўлдошевлар** ахлоқий тарбиянинг педагогик муоммолари; **Ж.Туленов, Қ.Назаров, Г.Туленовалар** ахлоқ ва ахлоқий қариятларнинг фалсафий жиҳатларини, психологияда ахлоқнинг қадрият сифатида мазмуни **Б.Шоумаров, В.Каримовалар** томонидан ўрганилган. МДХ тадқиқотчиларидан **В.В. Дрогомерцкий, И.Ю.Воробьева, К.Э.Кетоев, Д.Ю.Карасаев, Э.Р.Кочиева, О.В.Польщикова, Я.А. Стрелкова, А.А. Третъяков, Ф.Г.Хамиков** ва бошқалар; юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий тушунчалари ва эътиқодларини шакллантириш муоммолари **И.М.Краснобоева, И.С.Маренко, В.И.Петровлар**; шахснинг ахлоқий тарбиясига турли омилларнинг таъсирини **С.Ф.Анисимов, Л.М.Архангелский, А.А. Гусеинов, О.Г.Дробнитский** каби руҳшунослар; шахснинг ахлоқий шаклланиши ва ривожланиши муаммосининг психологик таҳлили **В.Н. Зхерданов, В.А.Блюмкин, В.С.Барулин**; турли ёшдаги мактаб ўқувчиларида ахлоқий тарбия ва эътиқодларни шакллантириш ва ривожлантириш масаласи **И.М.Краснобоев, Э.И.Моносзон, О.И.Рута, В.А.Сухомлинский** ва бошқалар; болаларнинг ахлоқий онгини, ахлоқий фазилатларини, хулқ-атвор ва маданиятини тарбиялаш масалалари **Р.Г.Казакова, С.А.Козлова, Т.С.Камарова, В.В.Кузина Л.А.Пармонова** каби тадқиқотчилар томонидан ўрганилган.

**Хорижий олимлардан** ахлоқий тарбия муоммосида **Сукрот, Платон, Аристотел, Фома Аквинский, И.Кант, Г.Гегел** ва бошқалар эътиборини қаратганлар. Тадқиқот ишида умумлаштириш, қиёсий таҳлил, сўровнома, анализ ва синтез методларидан фойдаланилди.

**МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР** Жамият ва шахснинг эҳтиёжлари ва интилишларининг бирлиги мактаб ўқувчиси шахсининг онги ва хулқ-атворини уларнинг бирлигида тарбиялаш учун объектив ва субъектив шарт-шароитларни яратади. Юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий сифатларини жамият талаблари асосида шакллантириш ва хулқ-атворини тарбиялаш муаммоси ҳар доим ҳам амалда керакли ечимини топмаган. Аксарият мактаб ўқувчиларида ахлоқий онг ва ҳатти-ҳаракатлар ўртасида узилиш ва фуқаролик фаолиятида тажрибанинг етишмаслиги кузатилади. Бизнинг фикримизча, ахлоқий тарбия шахснинг барча асосий томонларини идрок, ҳис-туйғулар, ирода кабиларни қамраб олади ва улар ўртасида маълум бир бирликга эришишни ўз ичига

олади. Бу ҳаётнинг барча асосий соҳаларида меҳнатда, билимда, мулоқотда кундалик ҳаётда намоён бўлади. Шахснинг ахлоқий ривожланиши учун нафақат ахлоқий тарбиясини, балки, унинг ғоявий - сиёсий, меҳнат, ақлий, эстетик ва жисмоний ривожланишини ҳам қамраб олади. Кўплаб тадқиқотчилар мактаб ўқувчиларини ахлоқий тарбиялаш масаласига жиддий эътибор қаратишларига қарамасдан, ахлоқий онг ва хулқ-атворнинг шаклланиш динамикаси очиб берилмаган. Инсон ҳаётида фаолият - шахс ахлоқий ривожланишининг ҳал қилувчи омили бўлиб, шахснинг ички ва ташқи ривожланиши учун шарт-шароитларни амалга оширади. Ривожланаётган фаолият шахснинг ахлоқий ривожланишини белгилайди, бу ахлоқий тарбия жараёнига фаол ёндашув моҳиятидир[1]. Юқори синф ўқувчиларининг ахлоқий сифатларини такомиллаштиришнинг ўзига хос хусусиятлари борасида кўплаб руҳшунос олимлар ўз ёндашувларини билдириб ўтганлар. Жумладан, машҳур рус руҳшуноси **Л.С.Выготский** фикрича, бола юқори синфга ўтганида (14-17 ўсмирлик ёшида) шахсият ва физиологик компонентларнинг ривожланиш, ўтиш даврида энг бўронли, таҳликали давр ҳисобланади[2;80] **Л.С.Выготский** ўсмирлик даври моҳиятини камолотнинг учта нуқтасининг мос келмаслиги даври сифатида таърифлайди:

1. «Балоғот даври бошланади.
2. Умумий органик ривожланиш тугашидан олдин ўсмирлик даври тугайди.
3. Ижтимоий-маданий шаклланиш юз беради»[2;134].

Рухшунос олим айнан юқори синфга ўтган болаларда кучли руҳий ўзгаришлар, стрессларнинг юзага келиши ота-оналар ва бошқа талим субъектларининг улар билан эҳтиёткорона муносабатда бўлишини тақозо қилишини алоҳида эътироф қилади. Юқори синф ўқувчиларида кучли руҳий ўзгаришлар, яъни, боланинг ўз шахсиятини катталар томонидан тан олинishi, жамиятда ўзини намоён қилишга бўлган интилишлар, мустақилликга интилиш, ўз шахсиятининг муҳумлигини тан олдириш каби ҳаракатларни кузатиш мумкин. **Д.И.Фелдштейн**нинг таъкидлашича, бу даврда асосий эътиборни ўсмирлар ривожланишида ижтимоий фойдали фаолиятга йўналтириш лозим. Бундай ижтимоий фаолият турлари рўйхатига бола учун аҳамиятли бўлган ўқув, ишлаб чиқариш, меҳнат, ташкилий-ижтимоий, бадий ва жисмоний маданият(спорт) ни киритади[4;223].

**Д.И.Фелдштейн** бу даврда ўсмирларда учрайдиган ҳатти-ҳаракатлар сирасига қуйидагиларни киритади:

- 1.Эмансипация реакцияси. Боланинг катталар назоратидан озод бўлишга, мутақилликга интилиши.
2. Хулқ-атворида “салбий тақлид” реакциясининг намоён бўлиши.
4. Ҳиссий реакция. Ўсмирнинг ички тузилишини акс эттирувчи эҳтиёжлар: спортга бўлган эҳтиёж; эътиборни жалб қилишга интилиш ва ҳ.з.
5. Шахснинг шаклланиши билан боғлиқ реакциялар: катталардан бегоналашиш, ўзини катталарга қарши қўйиш истаги, жинсий масалалалага қизиқиш, шахс сифатида ўзининг аниқ позициясини белгилаб олиш кабилардир[4;41].

Бизнинг фикримизча, ўсмирлик даврнинг энг катта муоммоси бу заиф иродадан ҳам кўра кўпроқ, аниқ мақсадларнинг йўқлиги натижада уларнинг ҳатти-ҳаракатларида салбий оғишларга сабаб бўлиши эҳтимоли кучли. Чунки, мақсадсизлик уларнинг хулқ-атворини тартибсиз ҳолатни юзага келтиради. Бу даврда юқори синф ўқувчиларини ўзини ўзи баҳолаш мезонларини яратишга ўргатиш муҳум. Ўз-ўзини тарбиялашга ўргатиш

асосида ўсмир ёшларда салбий иллатларни енгиш (дангасалик, кўрқоқлик, журъатсизлик) имконияти пайдо бўлади.

Машхур психолог **А.Н.Леонтев**[5]ва бошқалар шахс фаолияти бевосита, шахс ахлоқий сифатларини шаклланиши эса билвосита унинг фаолиятини бошқариш орқали амалга ошириш мумкунлигини таъкидлайдилар. Ўқувчиларда ахлоқий сифатларини такомиллаштиришда муҳит, шарт-шароитларнинг аҳамияти борасида маҳаллий тадқиқотчилар қарашлари аҳамиятлидир. Шу ўринда маҳаллий олимларимиздан **О.Мусурмонова** ўқувчининг маънавий маданияти, ахлоқий сифатларини шакллантиришдаги омилларга алоҳида тўхталиб ўтган ҳолда, бунда ўқувчи маънавий маданиятини шакллантиришда муҳит яратиш ва бу ишга маъсул бўлган тарбия жараёни объектларининг ўзаро ижодий алоқаси, таъсир занжири зарурияти, мазкур занжирнинг ҳар бир бўғини маънавий муҳит яратишда маъсул эканлигини алоҳида эътироф қилади. Юқори синф ўқувчиларининг маънавий фаолиятини босқичларга бўлиб ўрганган ҳолатда, уларнинг маънавий маданиятини шакллантиришдаги ўқувчи маънавий фаолияти турларига ақлий билиш, меҳнат, бадиий-эстетик фаолият билан биргаликда унинг жисмоний соғломлиги ва руҳий тетиклигини таъминловчи жисмоний фаолият турини ҳам киритиб ўтади[3;164-165]. Демак, маънавий фаолият тайёргарликсиз бўлмайди, ушбу жараён инсон табиатини такрор ҳосил қилувчи, ўзгартирувчи хусусиятга эга бўлиб, шу асосда инсон ўзини фаол субъектга айлантиради. Ушбу жараёнда ўқувчи ўзи ўзлаштираётган қадриятларни фаолиятнинг таянч нуқтасига айлантиради ва ўзлаштириш жараёни натижасида унинг хулқ-атвори ҳатти-ҳаракатида маънавий маданият, яъни ахлоқий сифатлар ҳам шаклланиб боради. Файласуф олим **Н.Ҳакимов** шахснинг шаклланишига таъсир қилувчи макромуҳит ва микромуҳит тушунчасига тўхталиб, микромуҳитнинг имкониятларига катта баҳо беради. Жумладан, ижтимоий муҳитнинг таркибий қисми сифатида баҳолаб, шахснинг ҳаётий ва амалий фаолияти жараёнида унга билвосита таъсир қилувчи моддий, сиёсий, ижтимоий, психологик омиллар йиғиндиси бўлиб, шахсни шакллантирувчи омиллари ва шартларини ўз ичига олишини алоҳида таъкидлайди[6]. Юқоридаги фикрларни таҳлил қилишимиз натижасида, ўқувчи ахлоқий сифатларини шаклланишида маънавий муҳит ва ўқувчи маънавий фаолиятнинг натижаси сифатида кўришимиз мумкун. Ўқувчи ахлоқий сифатларни шаклланишига таъсир қилувчи омил дейилганда ўқувчи ахлоқий сифатларини шаклланишига туртки бўлувчи сабаб ва шартларни тушунишимиз лозим бўлади.

### ХУЛОСА

Ахлоқий тарбия инсон туғилишидан то ўлгунча бир умр давом этададиган узлуксиз жараёндир. Шахснинг маънавий-ахлоқий сифатларини шакллантириш эса бу ҳар қандай ҳаётий вазиятларда маъсулиятли қарор қабул қилишга ва ахлоқий хулқ-атворни намоён қилишга, ўз-ўзини такомиллаштиришга қодир шахсни тарбиялаш ҳисобланади.

Боланинг ахлоқий ривожланиши ҳар томонлама ривожланган шахсни шакллантиришда ундаги ақлий, жисмоний ривожланишга меҳнатга тайёрланишга, эстетик хис-туйғулари ва кизиқишларини тарбиялашга катта таъсир кўрсатади. Бу эса ўз навбатида болаларни “катталар” ҳаётига, унинг меъёрлари ва талаблари билан шуғулланишга тайёрлайди ва уларда ҳаётга оптимистик қарашни сингдиради, уларни ўз юрти тақдирига бефарқ бўлмаган, маъсулиятли фуқаро бўлишига ёрдам беради. Жамиятда ҳар томонлама ривожланган, етук шахсни тарбиялашда ахлоқий сифатларини

шакллантириш масаласи доимо энгдолзарб, бирламчи вазифа ҳисобланган. Шундай экан таълим субъектлари мазкур масалага жиддий масала сифатида маъсулиятли муносабатда бўлишлари мақсадга мувофиқдир.

## REFERENCES

1. Выготский Л.С. Педагогическая психология. М.: Педагогика, 1991. –С.80. (378 С)
2. Гуриной Е.В. Основы процесса воспитания нравственного сознания и поведения личности старшеклассника. автор. канднаук.13.00.01.Москва.1987.
3. О.Мусурмонова. Юқори синф ўқувчилари маънавий маданиятини шакллантиришнинг дидактик асослари. //пед.фан.док.дисс.13.00.01.Тошкент-1993. -Б.364.
4. Фельдштейн Д.И.. Психология развития человека как личности. Избранные труды: в 2т. 2-е изд, испр. и доп. М.: МПСИ, 2009.-С.41. (440 с.)
5. Леонтев А.Н. Детельность. Сознание. Личность. Изд. 2-е. М.; Политиздат, 1977.-304 С.
6. Н.Ҳакимов Шахсинг сиёсий маданияти. Т.: Ўзбекистон, 1989.-Б.